

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТОНОВ РАВШАН КОМИЛЖОНОВИЧ

**1 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЎПКА БРОНХЛАРИНИНГ
ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕТИК РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Султонов Равшан Комилжонович

1 ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал
онтогенетик ривожланиш кўрсаткичлари..... 3

Султонов Равшан Комилжонович

Показатели постнатального онтогенеза легочных бронхов у
новорождённых в возрасте до одного года..... 23

Sultonov Ravshan Kamilzhanovich

Indicators of postnatal ontogenetic development of the pulmonary
bronchi in infants under one year old..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТОНОВ РАВШАН КОМИЛЖОНОВИЧ

**1 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЎПКА БРОНХЛАРИНИНГ
ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕТИК РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1624 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садикова Зумрат Шавкатовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хамидова Фариди Муйиновна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 9 »
03 соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри,
Фаробий кўчаси, 2 уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-кават. Тел./факс:
(+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (942 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани,
Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув биноси «б» қанот, 1-кават, 7-хона.
Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил « 21 » 02 куни тарқатилди.
(2023 йил « 21 » 02 даги 14 рақамли реестр баённомаси).




Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Р.Дж.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оналар, янги туғилган чақалоқлар ва ёш болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланганига қарамай, болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1% ни ташкил қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...янги туғилган чақалоқлар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичида етакчи ўринни асосан нафас олиш аъзоларидаги бузилишлар эгалайди, бу асосан болалар ўлими даражасини белгилайди. Янги туғилган чақалоқларда ўпка касаллиги билан ўлими кўп жихатдан ҳомиладорлик даври ва туғилиш вазнига боғлиқ...»¹. Пренатал тиббиёт соҳасидаги жадал ривожланиш ҳомила ва чақалоқларнинг нафас тизим органларида турли трахеобронхиал аралашувлар сонини ортишига олиб келди. Респиратор тизимнинг органогенези қонуниятларини ўрганиш туғма нуқсонлар этиопатогенезини, ва унинг тузилмавий компонентларини тузилиш вариантларини юзага келиш сабабларини яхши тушунишга имкон беради. Шу сабабли ўпкалар ва юқори нафас йўллари органогенезининг ўзига хосликлари тўғрисидаги мукамал маълумотлар, торакал жарроҳлик ва пульмонологияда туғма ва ортирилган патологияларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашни янги усулларини ишлаб чиқариш ва мавжудларини такомиллаштириш замонавий морфологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг поснатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини оптималлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқлар неонатал даврда трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологияси морфометрик кўрсаткичларини, чақалоқларнинг 3 ойлик даврида трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини, чақалоқларнинг 6 ойлик даврида трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини, бир ёшдаги бўлган чақалоқлар трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда туғилгандан-бир ёшгача бўлган чақалоқларда трахея ва ўпка бронхларининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш тизиминибашоратлаш асосини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ЖССТ ташкилотининг 2018-йилдаги йиллик ҳисоботи материаллари.

стратегиясининг етгита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, бир ёшгача бўлган чақалокларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини оптималлаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор илмий тадқиқот натижалари болалар ўртасида нафас олиш тизими касалликлари кўп учраётганлигини, турли оғир асоратлар бераётганлигини ва неонатал ўлим кўрсаткичи кўп қайт қилинишини билдиради. Лекин, соғлом нафас олиш тизимида патологияси йўқ бир ёшгача бўлган гўдакларда ўпка бронх дарахтини постнатал онтогенезда ойма-ой ёш бўйича морфометрик такомил этиши ўрганилмаган. И.Фантони, Р.Лазано дунёнинг 187 мамлакатада 1980-2010 йилларгача бўлган даврида 2031474 нафар болалар ўлимининг сабабларини таҳлил қилишда (2012) янги туғилган чақалокларнинг ўлим сабаблари таркибида умумий туғилиш асоратлари, респиратор дестресс синдроми ва бронхопулмонар дисплазия 28,6% ни ташкил этган. Қуйи нафас йуллари касалликлари 6,8% ни ташкил этади. Бир гуруҳ олимларнинг (С.В.Ключкова, Т.А.Акматов, Н.Т.Алексеева, Д.Б.Никитюк, 2021) тадқиқотларида инсоннинг асосий бронхлари безларининг ёш жихатидан тарқалишини миқдорий кўрсаткичларини ва тузилишини ўрганишга бағишланган. Тадқиқот объекти сифатида трахеянинг пастки қисми, шу жумладан, бифуркация соҳа майдони билан биргаликда битта комплекс сифатида олинган асосий бронхлар

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

деворларидаги безлар ўрганилган. Лекин ёш болаларда бронх дарахти постнатал онтогенетик босқичида морфометрик текширув олиб борилмаган. Американинг анатомия ассоциацияси инсон хомиласидаги ўпка ганглияларини текшириш тўғрисида хабарлар беради (Cho K.H., Kim J.H., Jin Z.W., Abe H., Murakami G., Rodríguez-Vázquez J.F., 2019). Ёш аспектида одамнинг бош бронхларидаги безларни тақсимланиш тузилмаси ва микдорий кўрсаткичларни ўрганиш масалаларига олимлар гуруҳининг (С.В.Клочкова, Т.А.Акматов, Н.Т.Алексеева, Д.Б.Никитюк, 2021) илмий мақолалари бағишланган. Америкалик олимлар (Belik J., Pan J., Jankov R.P., Tanswell A.K., 2020) берган маълумотларга кўра постнатал онтогенезда ўпка-қон томир қаршилигини қўллаб қувватлаш билан боғлиқ бўлган омиллар охиригача ўрганилмаган.

Ўзбекистонда турли орган ва тизимларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Қ.Р.Тўхтаев, 2020; Ў.М.Миршарапов, 2020; 2022; Ш.Ж.Тешаев, 2020; 2022; Ф.С.Орипов, 2022) бироқ, бир ёшгача бўлган ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичлари оптималлаштирилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бир ёшгача бўлган гўдакларда ўпка бронх дарахтини постнатал онтогенезда ривожланишини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба хайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир ёшгача бўлган чақалоқларда трахея ва ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги туғилган чақалоқлар неонатал даврда трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологияси морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

чақалоқларнинг 3 ойлик даврида трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

чақалоқларнинг 6 ойлик даврида трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

бир ёшдаги бўлган чақалоқлар трахея ва ўпка бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

туғилганданбир ёшгача бўлган чақалоқларда трахея ва ўпка бронхларининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика паталогик анатомия марказининг экспериментал тадқиқотлар олиб бориш лабораториясида бир ёшгача бўлган 75 нафар болалар мурдаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бир ёшгача бўлган нафас олиш тизимида паталогияси бўлмаган, асосан юрак пароги ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болаларнинг трахея, ўнг ва чап ўпка ташқи ва ички бронхларини бўлак бронхларидан терминал бронхларигача бўлган морфологик материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда туғилгандан бир ёшгача бўлган чақалокларда трахея ва ўпка бронхларининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикасини баҳолашда инструментал, морфологик, морфометрия, гистологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғилгандан бир ойгача бўлган муддатда чақалокларнинг трахея деворининг барча қатламлари яхши такомил топмаган тўқималардан иборатлиги, қопловчи эпителийси кўп қаторларида бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондроибли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланган;

бир ёшгача бўлган болаларда ўпка бўлаклари бош бронхлари девори бир ойлик даврда варонкасимон шаклдан цилиндрсимон шаклга, қопловчи эпителийси кўп қаторли шакли, бурмали ҳолатдан бир қаватли силлик тузилиш, хусусий пластинкаси кўп хужайрали шаклланмаган ҳолатдан толали тузилмали шаклланган бириктирувчи тўқимага, тоғай халқалари ясси ва шишли кўринишдан думалоқ ва зич кўринишга айланиб бориши асосланган;

чақалокларнинг бир ойлик даврида тўлиқ бўлакчалар ичи бронхиола девори қатламлари шаклланмаган ҳолатдан шаклланган ва такомил топган ҳолатга, қопловчи эпителийси бурмали, қадоқсимон хужайралари кам ҳолатдан силликланган, хусусий пластинкаси шишли, шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан толалари ва мушак тутамлари шаклланганлиги исботланган;

турли даврдаги чақалокларда ўпка ва турли калибрдаги бронхларини гистологик тузилишини, морфометрик ўзгаришини баҳолашда эпителий, бириктирувчи, фиброз-тоғай, мушак тўқималарининг асоратланишини ёшга боғлиқ хусусиятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чақалокнинг туғилгандан то бир ёшгача бўлган даврдаги трахея ва бронхларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари динамикаси баҳоланган;

трахеянинг тоғай халқалари суст ривожланган, юпка, майда, яримойсимон калта, тоғай халқанинг эгилиб келган учлари бир-биридан анча узоқлашганлиги ва орасидаги юмшоқ тўқимали пардасининг асоси силлик мушак тутамларидан ташкил топганлиги баҳоланган;

бир ёшгача бўлган болаларда ўлим кўрсаткичларининг камайишига олиб келадиган эрта ташхис қўйиш тартиби такомиллаштирилган;

юқори нафас йўллариининг, яъни трахея ва бронхиал дарахт тузилишининг ўзига хос хусусиятлари баҳоланган;

чақалоқларнинг бир ойлик даврида тўлиқ бўлакчалар ичи бронхиола девори қатламлари шаклланмаган ҳолатдан шаклланган ва такомил топган ҳолатга ўтишини баҳолашнинг морфологик кўрстакчилари очиб берилган;

чақалоқларнинг бир ойлик даврида тўлиқ бўлакчалар ичи бронхиола девори шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан толалар ва мушак тутамлари шаклланганлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиганинструментал, морфологик, морфометрик, гистологик, биокимёвий статистик тадқиқот усуллар асосидабир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини оптималлаштиришнингўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир ёшгача бўлган гўдақлар орасида нафас олиш тизимидаги трахея, бронх дарахти морфометрик ривожланиш динамикаси туғилгандан бир ойгача бўлган муддатда чақалоқларнинг трахея деворининг барча қатламлари яхши такомил топмаган тўқималардан иборатлиги, ўпка бўлаклари бош бронхлари девори бир ойлик даврда варонкасимон шаклдан цилиндрсимон шаклга, қопловчи эпителийси кўп қаторли шакли, бурмали ҳолатдан бир қаватли силлиқ тузилиш, хусусий пластинкаси кўп ҳужайрали шаклланмаган ҳолатдан толали тузилмали шаклланган бириктирувчи тўқимага, тоғай халқалари ясси ва шишли кўринишдан думалоқ ва зич кўринишга айланиш, ўпка ва турли калибрдаги бронхларини гистологик тузилиши, морфометрик ўзгаришини баҳолашда эпителий, бириктирувчи, фиброз-тоғай, мушак тўқималарининг асоратланишини ёшга боғлиқ хусусиятлари баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чақалоқнинг туғилгандан то бир ёшгача бўлган даврдаги трахея ва бронхларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари динамикасини таҳлил натижалари, патанатом, педиатр, неонатолог шифокорларнинг хасталикни эрта ташхислаш учун ва бир ёшгача бўлган болаларда ўлим кўрсаткичини камайишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш

кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 октябрдаги 8н-з/569-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бир ёшгача бўлган чақалоқларда трахея, бронхларни морфологик ва морфометрик ривожланиш динамикасини баҳолаш орқали пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика патологик анатомия маркази, Тошкент тиббиёт академияси олий таълим муассасалари илмий тадқиқот лабораториялари, Биологик ва иммунологик тадқиқотлар бошқармаларининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 декабрдаги 08-40746-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши эрта постнатал даврнинг бир ойлигида қопловчи эпителийнинг эгаллаган майдони бронх девори барча қатламлари майдонининг 20 дан 1 қисмини ташкил қилган бўлса 12-ойлигига келиб 11дан 1 қисмигача қалинлашганлиги, мушак қавати 9,5 дан 1 қисмидан 6,5дан 1 қисмигача, шиллик безлар 3дан 1 қисмдан 2,7дан 1 қисмигача қалинлашган, буларга аксинча хусусий пластинка 6,4/1 қисмдан 8,5/1қисмигача, тоғай халқалари 2,6/1қисмдан 3,4/1 қисмигача энсизланганлиги кузатилиб, беморларнинг умрини узайиши ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва ахамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот

объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бир ёшгача бўлган болаларда ўпка бронхларини постнатал онтогенетик ривожланишининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, трахея ва бронхларнинг анатомик, физиологик ҳамда биокимёвий тузилишини, охириги йилларда хорижий ва республикамизда ўтказилган турли ёшдаги болалар ва катталарнинг трахея, бронх дарахтининг морфологиясига бағишлаб олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ечимини топишнинг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда бир ёшгача бўлган чақалоқларнинг трахея, бронх дарахтида морфологик ва морфометрияда бўладиган ўзгаришлар уларнинг ривожланиши натижаларидаги асосий муаммолар ёритилган ҳамда етарлича маълумотлар тизимлаштирилмаганлигини принципиал ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Бир ёшгача бўлган чақалоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичлари баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети ва баҳолаш, материал ва усуллари ёритиб берилган. Тадқиқот материал сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика патологик анатомия марказида 2020-2022 йил I-чоракда келган бир ёшгача бўлган 75 нафар гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Текширув материаллари ўпканинг қуйидаги қисмларидан олинди: Трахея, ўнг ва чап ўпка ташқи ва ички бронхларини бўлак бронхларидан терминал бронхларигача очиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), гистологик ва гистокимёвий, морфометрик усуллари қўланилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бир ёшгача бўлган гўдакларнинг ёши ва жинси бўйича материалларнинг тақсимланиши абс, %.

Ёш гуруҳлар	Умумий болалар, нафар	Болалар	
		Ўғил	Қиз
0-1 ойлик	12	7 нафар (9,3%)	5 нафар (6,7%)
1-3 ойлик	13	7 нафар (9,3%)	6 нафар (8%)
3-6 ойлик	25	15 нафар (20%)	10 нафар (13,3%)
6-12 ойлик	25	11 нафар (14,6%)	14 нафар (18,6%)
Жами	75	44 нафар (58,6%)	31 нафар (41,4%)

Трахея ва бронх дарахтининг морфофункционал майдонларининг нисбий кенглик ўлчамларини аниқлаш учун гистометрия усулидан фойдаланилди. Трахея ва бронх дарахтининг структураларини морфометрик текширув Г.Г.Автандиловнинг (1990) «нукталарни санаш» усулида амалга оширилди. Бу усул муаллиф томонидан, аслида аъзо ва тўқималарнинг гистологик препаратларидан олинган тасвирларига 160 та катаклардан иборат тўрни қўйиш орқали ва ундаги нукталар тўқиманинг қайси бир тузилмаларига тўғри келиши саналади. Қўлга киритилган маълумотлар ишончли бўлиши учун, материалнинг ҳар бир гуруҳидан гистологик препаратларнинг 8-10 та объектларидан олинган тасвирларда нукталар саналади ва ўртачаси олинади. Биз бу усулни компьютер экранига кўчириб модификацияладик, яъни текшириляётган материалнинг ҳар бир гуруҳи бўйича тайёрланган гистологик препаратларнинг ҳар хил соҳаларидан, олдиндан 10 та дан тасвирга туширдик ва компьютер маниторида бу тасвирларга мос равишда 160 та катакдан иборат чизикли тўрни қўйиб, ундаги чизиклар кесишган нукталарни, тўқиманинг қайси бир структур тузилмасига тўғри келишига қараб санаб чиқдик. Тўқима кесмасига қўйилган катакли тўрнинг нукталари бир хил масофада бўлганлигидан, тўқима тузилмаларига танламасдан тўғри келиши бу усулнинг туб моҳиятидан маълумдир. Г.Г.Автандиловнинг катакли тўри тўқима тасвири юзасининг барча соҳалари структур бирликларга бир хилда танланмаган ҳолда тарқалганлиги нисбийлик қонунига мос келади. Расмдаги мавжуд барча структур бирликлар майдони V_v , яъни 100% деб олинади, ҳисоблаш керак бўлган структур бирликларнинг ҳар бирининг майдони, шу тузилманинг номи қўйиб белгиланади, масалан: $V_{кэ}$ (қопловчи эпителий), $V_{хп}$ (хусусий пластинка), $V_{мк}$ (мушак қават), $V_{шб}$ (шиллик безлар), $V_{тх}$ (тоғай халқалар). Шу йўсинда нукталарни санаш оқибатида ўрганиляётган структур бирликларнинг тўқимадаги нисбий майдони ҳисоблаб чиқарилди. Натижалар эса, ҳар бир структур бирликнинг ўрганиляётган тўқимадаги ҳажм бирлигини кўрсатади.

Демак, ўрганиляётган тўқимада барча структур бирликларнинг эгаллаган майдони V_v , яъни 100% бўлса, ундаги бир текисда тақсимланган нукталар z билан белгиланади, ҳар бир нуктанинг структур бирликга тўғри келиш нисбийлиги P деб олинса, унинг формуласи қуйидаги кўринишда бўлади: $P = V_v/100$.

Нукталарнинг бошқа структур бирликларга тўғри келиши, қуйидаги формулада аниқланди: $Q = 100 - V_v/100$.

Ўрганиляётган структур бирликларга тўғри келадиган нукталарни x деб олсак, унинг хатолик даражаси ушбу формула билан ҳисобланса: $x/z - P$, абсолют хатоликнинг %лардаги кўрсаткичи ушбу формулада ҳисобланади: $\varepsilon = (x/z - P) \cdot 100 = 100 x/z - V_v$

Нисбийлик назарияси бўйича ҳисоблашнинг хатолик даражаси - $x/z - P$, бошқача формулада қуйидагича ҳисобланди: $= t \cdot \sqrt{Pq/z}$.

Бу формулада: x –ўрганилаётган структур бирликларга тўғри келган нуқталар сони; z – тест тизимдаги барча нуқталарнинг умумий сони; P – ўрганилаётган тузилмаларга тушадиган нуқталарнинг нисбийлик бирлиги; q – қолган структур бирликларга тушадиган нуқталарнинг нисбийлик бирлиги; t –кўрсаткичларнинг бир-биридан меёрлаштирилган фарқи.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миқдорий кўрсаткичларнинг абсолют хатолиги ушбу формулада ҳисобланди: $\varepsilon = t \sqrt{V_v} (100 - V_v) / z$.

Г.Г.Автандилов (1990)нинг морфометрик усули бўлган «нуқталарни санаш–тест тизими»дан фойдаланиб, бир ёшгача бўлган чақалоқларнинг бўлак бронхларининг барча морфофункционал майдонларининг нисбий кўрсаткичлари ҳисобланди. Бу гуруҳлар бўлак бронхларидан тайёрланган гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялган гистологик кесмалардан туширилган расмларда куйида кўрсатилган структур бирликларга тўғри келган нуқталар саналди.

Ҳар бир гуруҳдан ўртача 8 тадан расмда нуқталар саналди: бўлак бронхнинг $V_{кэ}$ (қопловчи эпителий), $V_{хп}$ (хусусий пластинка), $V_{мқ}$ (мушак қават), $V_{шб}$ (шиллик безлар), $V_{тх}$ (тоғай халқалар); (1-жадвалга қаранг).

Ҳар бир структур бирлик бўйича 8тадан расмда саналган нуқталари кўшилиб, ўртачаси ҳисобланди ва ундан куйидаги формула асосида структур бирликнинг эгаллаган майдони (V) ҳисоблаб чиқарилди, масалан: бўлак бронх қопловчи эпителийси эгаллаган майдон - $V_{кэ} = P_{кэ} / P_x$. Шу йўсинда бронхларинг барча структур бирликларининг эгаллаган майдонлари ҳисобланди: $V_{кэ}$, $V_{хп}$, $V_{мқ}$, $V_{шб}$, $V_{тх}$.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 10,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Дессертациянинг «**Чақалоқлар эрта постнатал даври динамикасида бўлак бронхи девори қатламлари тўқима тузилмаларининг морфометрик натижалари**»деб номланган учинчи бобида бронх девори қатламларининг морфометрик кўрсаткичларини алоҳида-алоҳида таҳлил қиладиган бўлсак, шиллик пардасини юзасини қоплаган бир қаватли эпителийси бир ойлик даврда шакл жиҳатдан нисбатан паст тузилишга, яъни призматик шаклдалиги сабабли унинг қалинлиги ҳам кичик бўлиши, миқдорий жиҳатдан барча қатламлар қалинлигининг $5,0 \pm 1,08\%$ ни ташкил қилганлиги аниқланди. 3 ойлик даврга келиб бир қаватли призматик эпителийнинг ҳажми катталашини ҳисобига унинг қалинлиги ҳам бироз ўсганлиги, ўртача $6,3 \pm 1,2\%$ ни ташкил қилганлиги кузатилди. Худди шундай динамика эрта постнатал даврнинг кейинги ойларида ҳам кузатилди, 6 ойликда $7,4 \pm 1,3\%$, 12 ойликда $8,2 \pm 1,4\%$ га етганлиги аниқланди. Бу миқдорий маълумотлардан келиб чиқиб, умумий хулоса қиладиган бўлсак, бронх девори қопловчи эпителийси эрта постнатал даврда 1 ойликдан бошлаб, 12 –ойликгача сал кам икки баробарга қалинлашганлиги аниқланди.

Маълумки, бронх девори шиллик пардасининг бириктирувчи тўқимали хусусий пластинкаси чақалоқликнинг 1-ойлигида шаклланмаган тузилишга

эга бўлганлигидан, унинг оралик моддаси нардон ва шиш жараёнлари устун туришидан, унинг қалинлиги бронх девори барча қатламлари қалинлигининг $15,5 \pm 1,8\%$ ни ташкил қилганлиги кузатилди. Эрта постнатал даврнинг кейинги ойларида шиллик парда хусусий пластинкасидаги шаклланмаган бириктирувчи тўқима таркибида ҳужайралар ва толали тузилмалар нисбатан такомил топиб бориши, оралик моддасида шиш жараёнининг камайиши оқибатида унинг нисбий қалинлиги 3 ойликда - $14,8 \pm 1,7\%$, 6 ойликда - $13,2 \pm 1,7\%$, 12 ойликда - $11,8 \pm 1,6\%$ энсизланиши аниқланди. Бронхлар девори силлик мушак қавати аксинча эрта постнатал даврда 1-ойликдан бошлаб, кейинги ойликларида мушак ҳужайраларнинг ҳам сони, ҳам ўлчамлари катталаниши оқибатида мунтазам равишда қалинлашиб бориши кузатилди, 1-ойликда $10,5 \pm 1,5\%$ бўлган бўлса, 12-ойликга келиб 4 %га қалинлашганлиги ва $14,6 \pm 1,5\%$ га етганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Эрта постнатал давр динамикасида бўлак бронхи девор қатламлари структур бирликларининг морфометрик кўрсаткичлари, %.

Постнатал давр ойлари	Бронх девори қатламлари структур тузилмаларининг нисбий майдони, %					жами
	Vкэ	Vхп	Vмқ	Vшб	Vтх	
1 ой	$5,0 \pm 1,08$	$15,5 \pm 1,8$	$10,5 \pm 1,5$	$31,0 \pm 2,3$	$38,0 \pm 2,4$	100%
3 ой	$6,3 \pm 1,2$	$14,8 \pm 1,7$	$12,6 \pm 1,6$	$32,4 \pm 2,3$	$33,3 \pm 2,4$	
6 ой	$7,4 \pm 1,3^*$	$13,2 \pm 1,7^*$	$13,4 \pm 1,6^*$	$34,6 \pm 2,3^*$	$31,4 \pm 2,4^*$	
12 ой	$8,2 \pm 1,4^{**}$	$11,8 \pm 1,6^{**}$	$14,6 \pm 1,5^{**}$	$36,4 \pm 2,4^{**}$	$29 \pm 2,2^{**}$	

Эслатма: * - $P \leq 0,01$ -1 ойлик кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси; ** - $P \leq 0,05$ -3 ойлик кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси.


Чакалоқларнинг эрта постнатал даврида нафас йўллари деворидаги тузилмалардан яна бир муҳим вазифани бажарадиганларидан бири шилимшиқ модда синтезловчи шиллик без тузилмалари ҳисобланади. Бизнинг тадқиқот натижаларимиз кўрсатишича, ҳам морфологик, ҳам морфометрик жиҳатдан бу безлар эрта постнатал давр динамикасида ўсиб, кўпайиб бориши, эгаллаган майдони ҳам ортиб бориши кузатилади. 1 ойлик даврда бронх девори барча қатламлари майдонининг учдан бир қисмини, яъни $31,0 \pm 2,3\%$ жойни эгаллаганлиги аниқланди. Текширувнинг кейинги даври, яъни 3-ойлик даврда $32,4 \pm 2,3\%$, 6 ойлик даврда $34,6 \pm 2,3\%$, 12 ойлик даврда $36,4 \pm 2,4\%$ га етганлиги аниқланди. Демак, умумий ҳолда эрта постнатал даврнинг охирига келиб $5,5\%$ га майдони кенгайганлиги кузатилди.

Бронхлар девори таркибидаги тоғай халқаларнинг нисбий эгаллаган майдони текширувнинг 1 ойлигида барча қатламлар майдонининг $38,0 \pm 2,4\%$ ни ташкил қилганлиги аниқланди. Тоғай халқасининг нисбатан кенг майдонни эгаллашига сабаб, уни гистологик текширилганда таркибида хондроцит ҳужайралари ёш ва яхши такомил топмаганлиги, натижада нисбатан йириклиги, орасидаги хондроид моддаси нисбатан оч рангли ва шиш жараёни устун турганлиги сабабли, тоғай халқалари майдони кенгрок

ва кўпроқ жойни эгаллагани аниқланди. Эрта постнатал даврнинг кейинги ойларида тоғай халқа таркибидаги ҳам хужайралар, ҳам оралик хондроид модда такомил топиб, дифференциаллашганлиги сабабли улар зичлашиб, эгаллаган майдони қисқарганлиги аниқланди ва 12-ойлик даврига келиб $29 \pm 2,2$ % жойни эгаллаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Чақалоқларнинг бир ёшгача даврида трахея девори тўқима тузилмаларинг такомиллашиш динамикаси**» деб номланган тўртинчи бобида трахея деворининг динамикада ўзига хос ўзгариб боришининг микроскопик тасвирини ўрганишга бағишланган.

Нафас тизими нафас йўллари ва иккита ўпкадан иборат. Нафас йўллари танада жойлашишига қараб юқори ва пастки нафас йўллари бўлинади. Юқори нафас йўлларига бурун бўшлиғи, халқумнинг бурун ва оғиз қисми, пастки нафас йўлларига хиқилдоқ, трахея (бўғиз), бронхлар ва ўпка киради. Нафас йўллари қуйидаги қисмлардан иборат: трахея, ўпка бўлаклари бронхлари, сегментар бронхлар, бўлакчаларо бронхлар, бўлакчалар бронхлари, бўлакчаларичи бронхиолалари, терминал бронхиолалар.




1-расм. Чақалоқлар эрта постнатал даври динамикасида бўлак бронхи девори қатламлари тўқима тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичлари

Биз ушбу тадқиқотимизда трахея, бош бронхлар, ўпка бўлаклари бронхлари, терминал бронхиолалар деворининг динамикада ўзига хос ўзгариб боришининг микроскопик тасвирини ўрганишни мақсад қилиб олдик.


Янги туғилган чақалоқларда трахеянинг узунлиги ўртача $3,8 \pm 0,14$ см, кенглиги $0,8 \pm 0,02$ см. Трахеянинг тоғай халқалари суст ривожланган, юпқа ва майда, улар орасидаги юмшоқ тўқимаси пардали тузилмалари кенг. Чақалоқ туғилгандан кейин 6 ой давомида трахея(бўғиз) девори тез ўсади ва ривожланади, 6 ойдан кейин ўсиши секинлашади, 1 ёшга етганда трахея(бўғиз) сал кам 2 баробар узунлашади, яъни ўртача $6,2 \pm 0,42$ смга етади. Трахеянинг тоғай халқалари суст ривожланган, юпқа, майда,

яримойсимон калта, тоғай халқанинг эгилиб келган учлари бир-биридан анча узокдалиги кузатилди, улар орасидаги юмшоқ тўқимали пардасининг асоси силлиқ мушак тутамларидан ташкил топганлиги аниқланди. Шиллиқ парда ости қавати икки йўналишда, бўйлама ва айлана йўналишдаги тутамлардан иборат.

3 ойлик даврга келиб трахея узунлиги бироз чўзилганлиги, яъни узунлиги ўртача $5,3 \pm 0,36$ см, кенглиги $1,4 \pm 0,08$ смга етганлиги аниқланди. Трахеянинг тоғай халқалари бироз такомил топиб, зичлашганлиги, қалинлашганлиги, таркибида хондроцитлар кам даражада шаклланганлиги, оралик хондроид модда нисбатан камайганлиги, атрофидаги бириктирувчи тўқима тутамлари кўпайганлиги аниқланди. Шиллиқ парда ости қавати икки олдинги даврга нисбатан кенггайган, сийраклашган, таркибида бириктирувчи тўқима толалари ва хужайралари кўпайган. Шиллиқ пардаси нисбатан қалин, юзасини қоплаган эпителий кўп қаторли тузилишга эга. Чақалоқларда трахеянинг шиллиқ пардаси юпқалиги сақланган, нозик, безлари олдинги даврга нисбатан яхши ривожланган, қопловчи эпителий таркибида киприксимон эпителийга нисбатан юзаси силлиқ эпителийлар сони кўп, сон жиҳатдан 1,7 баробар кўп. Иккала эпителий хужайраларнинг бўйи нисбатан кичик, призматик шаклда, ядролари тартибсиз жойлашган, аксариятининг ядроси базал қаватга тегмайди, думалок ва овал шаклда (2-расмга қаранг).



2-расм. 3-ойлик давр. Трахея. Тоғай халқа қалинлашган(1), безлар сони кўпайган(2), хусусий пластинка зичлашган(3). Гематоксилин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.




3-расм. 3-ойлик давр трахея. Хусусий пластинка(1), шиллиқ ости қават(2) ва тоғай халқаси атрофида(3) пикрофуксинли мусбат толалар миқдори кўпайган. Ван-Гизон усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.


Бу даврда чақалоқлар трахеяси деворини Ван-Гизон усулида бўялганда шиллиқ парда хусусий пластинкасида толали бириктирувчи тўқима миқдори бироз кўпайиб, зичлашганлиги кузатилди. Шиллиқ ости қаватида бириктирувчи тўқима толалари нисбатан пикрофуксин билан тўқ бўялган ва трахея деворида айлана ва без тузилмаларини ўраган ҳолда жойлашган тутамлардан иборатлиги кузатилди (3-расмга қаранг). Чақалоқларнинг 6 ойлик даврида трахея, яъни бўғиз девори қатламлари тез ўсганлиги

кузатилди. Трахеянинг тоғай халқалар тўқимаси зичлашиб, тоғай моддаси кўпайиб, хужайралари камайганлиги, таркибидаги хондроцитлар олдинги даврларга нисбатан юқори даражада шаклланганлиги, оралик хондроид моддага нисбатан камайганлиги, атрофидаги бириктирувчи тўқима тутамлари зичлашганлиги аниқланди. Шиллиқ парда ости қавати олдинги даврга нисбатан кенгайган, сийраклашган, таркибида бириктирувчи тўқима толалари ва хужайралари кўпайганлиги аниқланди.

Шиллиқ пардаси нисбатан қалин, юзасини қоплаган эпителий бир қаватли тузилишга эга. Трахеянинг шиллиқ пардаси юпқалиги сақланган, нозик, безлари олдинги даврга нисбатан яхши ривожланган улардаги без хужайралари бироз шишиб катталашган, қопловчи эпителий таркибида киприксимон эпителийга нисбатан юзаси силлик эпителийлар сони кўплиги кузатилди.



4-расм. 12 ойлик давр. Трахея, шиллиқ парда(1) ва хусусий пластинка(2) нисбатан юпқа, тоғай халқаси зич(3). Гемотоксилин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.



5-расм. 12 ойлик давр. Трахея деворида бириктирувчи тўқима тутамларининг кўпайиши ва зич жойланиши(1). Ван-Гизон усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.


Чақалоқлар 1 ёшга етганда нафас тизимининг йирик йўли, яъни трахея варонкасимон шаклдан цилиндрсимон шаклга киради. Трахеянинг шиллиқ пардаси бронхиал йўлнинг бошқа қисмларига нисбатан юпқа, қопловчи эпителийси таркибида киприкли эпителийга нисбатан силлик юзали эпителий кўпроқ, илмий адабиёт маълумотлари бўйича 1,5 баробар кўп.

Бизнинг текширувимизда ҳам трахея шиллиқ пардаси қопловчи эпителийси нисбатан юпқалиги ва бир қаватли призматик эпителий билан қопланганлиги аниқланди. Қопловчи эпителий таркибида юзаси силлик эпителий сони кўплиги кузатилди. Иккала эпителий хужайраларнинг бўйи нисбатан кичик, призматик шаклда, ядролари тартибсиз жойлашган, аксариятининг ядроси базал қаватга тегмайди, думалоқ ва овал шаклда.


